БАЙРАМИНГ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 31 август, сешанба # 36 (100)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАХСУС УНВОНЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари **Қодиров Рашитжон Ҳамидович**га **2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси** махсус унвони;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари **Эргашев Азимжон Урдушевич**га **3 - даражали давлат адлия маслаҳатчиси** махсус унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1999 йил 25 август.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш қўмитаси, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 1999 йил 25 августдаги Фармони билан қуйидаги прокуратура ходимларига ҳам Ватаннинг юксак мукофоти берилди:


Ўзбекистоннинг мудофаа қудрати, миллий хавфсизлиги ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, мустақил Ватанимизни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ - тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлими катта прокурори **Шарафутдинов Маркс Николаевич**

2-даражали «Шон-шараф» ордени билан;

Республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун Фарғона вилояти прокуратурасининг криминалист прокурори **Муҳамедов Султонали Сотимович** ва Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси **Гуломова Муқаддас Зиёдуллаевна**

«Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қўшган ҳиссаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганлиги учун Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлими катта прокурори **Нурбоев Обид Содиқович**га **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони берилди.



1991 1999



• *Қиёс*

Бутун Ўзбекистон халқи мустақилликнинг 8 йиллигини зўр шодиёна ила байрам қилмоқда.

Кимга қанақа-ю, менинг назаримда мустақилликнинг ўтган йиллари Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун ўзига хос имтиҳон ролини ўтади. Бу фикримни Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XV сессиясидаги маърузасида таъкидланган қуйидаги муҳим хулосаси билан изоҳламоқчиман: «Тарих учун саккиз йил катта муддат эмас. Лекин холисона айтадиган бўлсак, шу қисқа давр мобайнида ҳаётимиз тубдан ўзгарди.

Ўзбекистонга ярим мустамлака, хом ашё етиштирувчи ўлка деб қараган, халқимизнинг миллий туйғуларига хос бўлган барча қадриятларни менсимасдан, тарихимиз, тилимиз ва маданиятимиз, анъана ва одатларимизни поймол этган зўравон ва манфур тизим барбод бўлди».



Бурхон БЕКМИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

ИМТИҲОН

Бу халқимизнинг мустақиллиқни мустаҳкамлаш йўлидаги катта ғалабасидир. Катта меҳнат, жасоратли кураш эвазига шу кунларга етишганимизни байрам кунлари эсга олмоқ жоиз деб ҳисоблайман.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки йиллардаёқ Президентимиз томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш масаласи кун тартибига кўндаланг қўйилиб, истиқлолнинг беш асосий тамойилидан бири сифатида талқин этилди. Ҳуқуқшунослар яхши биласиз, собиқ Иттифоқ даврида «қонун устуворлиги» деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Чунки бюрократик буйруқбозлик усули қонун устуворлиги масаласи билан ҳеч қачон чиқишмаган ва собиқ компартия корчалонлари амалда ҳеч қачон қонун билан ҳисоблашмаганлар. Собиқ империянинг илдизини кемирган бу иллатдан батамом қутулиш учун ҳали ҳануз қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Лекин аҳвол биз томонга, яъни қонун томонига ўзгарди. Фикримни далиллаш учун битта мисол келтираман: бу йилги ғалла ўрими якуни бўйича юксак натижага эришган деҳқон ва фермер хўжаликлар бошлиқларидан тўрт кишига «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилди. Улар собиқ Иттифоқ давридагидек, аллақандай мавҳум ғоялар учун етиштирган 70-75 центнерлик ҳосилининг ҳаммасини давлат хирмонига тўкиб келиб, ўзлари дўконнинг унига кўз тикиб қолишмаган. Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшган бу деҳқонларнинг ҳар бири шартномада, яъни қонунда белгиланган бўйича етиштирилган ҳосилни давлатга топшириб, қолган ярмини ўзларига олиб қолишган. Керагича рўзғорига ишлатади, ортганини бозорга чиқариб, серобгарчиликка ҳисса қўшади. Ўз омборига 30-40 тонналаб дон тўкиб олган фермернинг манфаатини қонун ҳам ҳимоя қилади. Қанча кўп ҳосил олса, шунча кўп манфаат кўришига мана ниҳоят деҳқонларимиз амалда ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бу мустақиллик мафкурасининг, янгича дунёқарашнинг эски, ўз умрини ўтаб бўлган тушунчалар устидан дангал ғалабасидир. Президентимиз «зўравон ва манфур тизим барбод бўлди» деганларида худди ана шу ўзгаришларни назарда тутган эдилар.

Ахир, бундан саккиз йил олдин ким эдигу, ҳозир ким бўлдик, деган саволни ҳар биримиз ўзимизга бериб кўрайлик. Президентимиз парламент минбаридан туриб, Ўзбекистон мустақиллигини бутун дунёга эълон қилганларида қалбларимиз чексиз шодликларга тўлиб, бир-биримизни чин дилдан қутлаганимиз кечагидек ёдимизда. Бироқ, очиғини айтиш керак, кўнглимизнинг бир четида мазлум халқларни асрлар давомида ўз исканжасида сақлаган империя яна қонли тирноқларини ёзиб, озодликни қонга ботирмасмикин, деган хавотир ҳам йўқ эмас эди. Юртбошимиз қатъият ва жасорат намуналарини кўрсатди. Бутун халқ қўллаб-қувватлади. Миллионларнинг якдил меҳнати, кураши билан истиқлолнинг порлоқ истиқболига ишонч кунма-кун, қадамма-қадам мустаҳкамланиб борди. Кишиларнинг дунёқарашида тубдан янгиланиш рўй берди. Мулкка, жамиятга, давлатга муносабат ўзгарди. Битта мисол: собиқ Иттифоқ даврида давлатнинг мулки, деган мавҳум тушунча бўлар эди. Ер, сув, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари давлатники ҳисобланган билан аслида эгасиз эди. Бундан саккиз йил аввал фуқароларнинг меҳнати билан яратилган бу мулк яна эгаларига қайтарилади, десак ишонмаганлар қанча эди. Энди ўз мулкдорларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларимиз пайдо бўлади десак, бу ҳаракатлар собиқ комфирқа таълим берганидек, капитализмга қайтиш бўлиб кўринар ва кўпчиликни чўчитар эди. Мана энди ўз мулкдорларимиз, фермерларимиз, дунё кезган ишбилармонларимиз бор. Улар бозорларимизни тўлдириб, ишонч билан жаҳон бозорига кириб боришмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон прокуратура тизимида юз берган ўзгаришларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг ҳозир имкони йўқ. Аммо мен шу ўринда битта қиёслашни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Маълумки, мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, Ўзбекистонимизнинг ўз қонунларини яратиш ишига алоҳида аҳамият берилди. Прокуратура ходимлари бошқа ҳуқуқшунослар қатори янги конституциямиз ва қонун яратиш ишида фаол иштирок этдилар. Янги қонунларимиз табиатидаги инсон манфаатининг устуворлиги тушунчаси фақат давлат манфаатини ҳимоя қилган собиқ Иттифоқ қонунларидан фарқли ўлароқ, биз барпо этаётган жамиятнинг инсонпарварлик моҳиятини белгилаб беради. Табиийки, прокуратура ходимлари инсонпарварлик руҳи билан суғорилган қонун ижодкорлигида фаол қатнашиш билан бирга, уни амалиётда қўллаш кўникмасини ҳам ўзлаштириб бордилар. Бу прокуратурага янгича демократик руҳ олиб келди. Янгича дунёқарашлар ва талаблар билан ишлай олмайдиган айрим ходимлардан йўл-йўлакай сафларимизни тозалаб бордик. Мазкур жараён ҳозир ҳам изчил давом этмоқда. Тизимни ҳуқуқий демократик давлат прокуратурасига айлантириш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, юртимизнинг ободлиги учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Ана шу улуғ мақсад йўлида бирга камарбаста бўлиб турган барча сафдошларимизни, газетхон дўстларни Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 8 йиллик байрами билан муборакбод этаман.

• *Танлов якунланди*

«МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР»

Мустақиллик туфайли замондошларимиз дунёқарашида, онгида ва турмуш тарзида юз берган катта ўзгаришлар ёркин акс эттирилган, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари чуқур таҳлил этилган, прокуратура фаолияти кўзгусида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган ибратли ишлар ҳаққоний акс эттирилиб, ватанпарварлик руҳи билан суғорилган қуйидаги материаллар муаллифлари «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» кўрик-танлови ғолиби деб топилдилар:

Биринчи ўрин - «Миллатнинг улкан бойлиги» (1999 йил, 30 июнь, 26-сон) мақоласи учун Балиқчи туман прокурори М.ШОДМОНОВга;

Иккинчи ўрин - «Озодлик ҳақида дарс» (1999 йил, 25 август, 35-сон) мақоласи учун журналист М.ТЎРАБОЕВАга;

Учинчи ўрин - «Покланиш ва иймон сари» (1999 йил, 7 июль, 27-28сон) мақоласи учун ёзувчи Йўлдош ПАРДАЕВга берилди.

Шунингдек, журналист Д.Исломов, ҳуқуқшунос С.Ниёзметова ва фотомухбир Р.Шариповлар кўрик-танловнинг рағбатлантирувчи совринларига сазовор бўлдилар:

Ғолибларни мукофотлар билан чин дилдан табриклаймиз. Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Кўрик-танлов ҳайъати.

• *Шундай бўлган эди*

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 51-моддасига асосан прокуратура идораларида кўп йиллик ҳалол хизматлари учун прокуратура ходимлари кўкракка тақиладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони билан тақдирланадилар. Бугунги кунда ана шундай фахрли номга сазовор бўлиб, фахрийлик нишони соҳиби бўлганлар сони анчагинани ташкил этади.



«ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛМАСДИ...»

«Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишони тўғрисидаги Низом Республика прокуратураси ҳайъат мажлисининг 1996 йил 10 сентябрдаги қарори билан маъқулланганини ҳамда Бош прокурорнинг 1996 йил 11 сентябрдаги буйруғи билан тасдиқланганлигини кўпчилик прокуратура ходимлари яхши билишади.

Аммо мазкур нишон муаллифи, унинг яратувчиси ҳақида бирон маълумотга эга бўлган прокуратура ходими йўқ ҳисоб. Негаки, шу пайтгача ҳали бирон-бир жойда бу ҳақида маълумот берилгани йўқ. «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» номига сазовор бўлган ходимлар кўкракларидаги нишон муаллифи ҳақида маълумотга эга бўлишлари ва айниқса, кейинги пайтда аксарият ҳуқуқий нашрларда айнан ушбу нишон нусхаси кўчирилган ҳолда фойдаланилаётганлигини эътиборга олиб ушбу мақолани ёзишга жазм этдик.

Нишон муаллифи - «Қонун ҳимоясида» журналининг маъсул котиби Ғофуржон Алимов. Нишоннинг яратилиш жараёни хусусида Ғофуржон ака қуйидагиларни гапириб берди:

- Ўша пайтлари журналда бадиий муҳаррир вазифасида ишлардим. Республика прокуратураси раҳбарияти прокуратура ходимларига бериладиган «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишонининг чизмасини тайёрлаш ҳақида топшириқ берди. Ушбу масала устида икки ой ишладим. Бу давр ичида фахрий ходим нишони чизмасининг олти хил кўринишини тайёрладим. Ишланган вариантлар ичида миллийлигимизни акс эттирувчи, миллий қилич ва қалқон сурати тасвирланганлари ҳам бор эди. Нишон нусхаларини ишланган вариантларни Республика прокуратураси раҳбариятига ҳавола этдим. Улар охирги вариантни (ҳозирги кўринишдаги) маъқул топишди. Ҳозирда эса ушбу фахрийлик нишони кўплаб прокуратура ходимлари кўкрагини безаб турибди.

Мени ажаблантиргани - «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишонининг айнан кўчирилган нусхасини вилоятларда чоп этилаётган ҳуқуқий нашрларнинг деярли барчасида, ҳатто Адлия вазирлигининг «Инсон ва қонун» газетасида ҳам кўриш мумкин. Улар қилич ва қалқонни қонунни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қўлланиладиган умумий рамзлар-ку, деб ўзларини оқлашлари мумкин. Мен ҳам бу фикрга қўшиламан. Лекин, прокуратуранинг фахрийлик нишони нусхасини айнан кўчирмасдан қилич ва қалқон, мамлакатимизнинг герб ва байроғи тасвирининг бошқача кўринишидан фойдалансалар ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмасди.

Мана, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» нишонининг муаллифи ва унинг нишон нусхасидан кўчирмакашлик қилиб фойдаланишдаги фикрлари билан танишдингиз. Биз бу борада нишон муаллифи Ғофуржон Алимов мутлоқ ҳақ демоқчи эмасмиз. Лекин, айнан прокуратуранинг фахрийлик нишони тасвиридан кўплаб ҳуқуқий нашрлар фойдаланиб келаётганликлари исбот талаб этмас ҳақиқатдир.

Дилшод ҲАЙИТОВ.

• *Мукофот соҳиби меҳмонимиз*

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУМТОЗ МАНЗИЛЛАРИ

Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ТДЮИ ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалимбой БОБОЕВ билан суҳбат

- Мустақиллик... У нима ўзи? Унда қандай оҳанрабо қувват борки, ҳўлу қуруқни бирдай ўзига тортади. У қандай тотли бир неъматки, ҳар бир онгли мавжудот унга интилади, унга эришмоқчи бўлади. Домла, мустақилликни сиз қандай таърифлаган бўлардингиз?

- Турли қомусларда мустақилликка «ихтиёри ўзида бўлиш, бировга тобе, қарам бўлмаслик», дея изоҳ берилган бўлса-да, менимча, уни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Уни юракдан ҳис қилиш, қўлдан кетганда «зор-зор, чун абри навбаҳор йиғлаб», кўз ёш тўкиш, қўлга киритилганда эса «шодликлари оламга сиғмас» даражада қувониш мумкин, холос. Хуллас, Лайлининг жамолини Мажнуннинг кўзи билан кўр, деганларидек, мустақилликнинг таъмини асрлар давомида мустамлака кишанлари билан занжирбанд этилган халқнинг чанқоқ лаблари билан татиб, ғамзада кўнгли билан ҳис этиш мумкин.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг Миллий мустақиллиги эълон қилинди. Ўша куни мустамлакачиликнинг энг катта кишанлари парча-парча бўлиб кетди, аммо ҳали майда занжир ва занжирчалар ҳаётимизнинг турли жабҳаларини чирмовукдек чирмаб турарди. Юртимизнинг мустақилликка эришганини мен Алпомишнинг ёғийлар тутқунидан қутилган ҳолатига менгзайман. Ҳийла-найранг билан қўлга туширилган Алпомиш тутқундан халос бўлиб, Бойчибор номли тулпорига миниб, ям-яшил далаларнинг намхуш ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олиб, нурли манзиллар томон от йўрттириб кетаётганини тасаввур қилинг. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди, яъни менинг наздимда биринчи мумтоз манзилга шараф билан етиб келдик. Чирмовуқ занжирлардан бири чирт узилиб кетди. Шундан кейин бу занжирлар пайдарпай узила бошлади, яъни Ўзбекистонда демократик давлатнинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакат чегараларини ва тинчлигини муҳофаза қиладиган миллий армия тузилди. Жаҳон андозалари даражасидаги йирик корхоналар, жумладан Асакада ЎзДЭУавто, Самарқандда СамКочавто, Қоровулбозорда улкан нефть иншооти барпо этилди. Ўзбекистоннинг ўз миллий валютаси зарб қилина бошланди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг мустаҳкамланаётганидан, мустамлака занжирларининг чирт-чирт узилиб кетаётганидан далолатдир.

- Домла, турмуш жабҳаларидаги тобеликларни, боғлиқликларни занжирчаларга қиёс қилганингиз менга жуда ёқди. Ўйлашимча, ҳозир бунақа занжирчаларнинг барчаси узилиб битган...

- Гапингиз тўғри, иқтисодий, сиёсий, маънавий жабҳаларда бироннга занжир қолгани йўқ. Аммо мустабид тузум кишиларимиз кўнглини «боқимандалик» деган занжир билан ҳам кишанбанд қилган экан. Ҳали-ҳалигача баъзи кишиларимиз кўнглида ўшанинг асари бордек туюлади... Аммо бу вақтинчалик бир ҳолат деб ўйлайман. Буюк ўтмишимизни, жаҳонни лол қолдирган алломаларимиз тарихини қанчалар пухта ўргансак, буюк келажак сари шунчалар дадил қадам ташлаймиз.

- «Ҳуқуқ» газетасига муносабатингизни билмоқчи эдим.

- «Ҳуқуқ» газетаси ҳам мустақиллигимиз меваси. Ҳуқуқшунос бўлганим учун ҳуқуққа оид барча нашрларни кўздан кечириб боришга ҳаракат қиламан. Эшитишимча, бу йил «Ҳуқуқ»нинг икки йиллик тўйи экан. Шу муносабат билан бир мухлис сифатида «Ҳуқуқ»нинг кишиларимиз орасида ҳуқуқий маърифат тарқатадиган, уларнинг ҳуқуқий онгини ўстирадиган нашр бўлиб қолишига тилакдошман.

- Ўзбекистонда ҳуқуқий тартиботнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

- Маълумки, биз ҳуқуқий демократик давлат қуряпмиз. Бундай давлатда ҳамма нарса ҳуқуққа асосланган бўлади. Бунинг учун эса кишиларимиз ўзларининг ҳуқуқларини ва шу билан бир қаторда вазифа ҳамда бурчларини ҳам аъло даражада билишлари шарт. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қонун устувор бўлиши шарт. Ўзингиз шоҳидсиз, институтимизнинг 1-2-босқич талабалари инглиз, немис, француз ва бошқа хорижий тилларда бемалол гаплашмоқдалар. Келажакда улар турли халқаро ташкилотларда ишлай оладиган мутахассис бўлиб чиқадилар. Тошкент ҳуқуқшунослик мактаби яратилмоқда. Яқин келажакда нуфузли халқаро ташкилотлар ўзаро битимлари-ю, баҳс-мунозараларини ҳал этиб бериш учун Ўзбекистон ҳуқуқшуносларини таклиф этишса сираям ажабланмайман. Мана шу бизнинг орзу-умидимиз, тилак-истакларимиз, интилаётган чўққиларимиз...

- Газетхонларимизга тилакларингиз...

- Барча газетхонларга, шу жумладан бутун ўзбек халқига энг яхши тилакларимни билдиришни истардим. Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин.

Йўлдош ПАРДА суҳбатлашди

Таҳририятдан: Муҳтарам устоз Ҳалимбой Бобоевни «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони билан қизғин қутлаймиз.

• *Истиқлол қайтарган номлар*

Челак туманига кириб борарканмиз, кўнгилларни яна бир карра ҳаяжон қоплади. Ҳар биримиз бир оламга айланиб, жамики яхшилигу ёмонликларимизни кўз олдимизда гавдалантирамиз. Ич-ичимиздан титраймиз: «Пири комил мени қандай кутиб оларкин? Яхшиликларни ёрлақашини, гуноҳларимни кечиришини Тангридан сўрашимда ёрдамлашармикин? Зиёратимни қабул қилармикин? Мен ўзи улуғ пирни зиёрат қилишга муносибманми?»

Ва ниҳоят, мажмуага ҳам етиб келдик. Во ажабо, мақбарага кўзингиз тушиши билан кўнглингиздан бу бамисли жисмга ярашган тўндек бўлибди, деган фикр кечади. Ҳа, Имом Бухорий Ҳазратларининг ҳоки туроблари ана шундай кўркам, бетакрор, беҳишт нафаси уфуриб турган бинода сақланмоққа муносиб.

Қуръони карим ояти жаранглаб, вужудни қоматга келтиради. Беихтиёр кўз ёшланади. Бир ҳокисор, бегуноҳ қушчага айлангингиз, осмону фалакка парвоз қилиб, жаннат дарвозаларини қоқиб, фирдавс боғларида Имом Бухорий ҳазратларини кўргингиз, таъзим бажо айлаб, покиза либосларининг этакларини ўпгингиз келади. Бе-

ПИРИ КОМИЛНИНГ ҚАЙТИШИ

Жоме масжид имом хатиби Усмонхон хожи Темурхон ўғли бизни ичкарига бошларкан, мажмуанинг қурилиш тарихи, уни бунёд этган усталар хусусида ҳикоя қилади:

- Албатта, бу ишларнинг бошида Юртбошимиз турганлиги бутун дунёнинг ҳавасини келтирди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилувчи усталар савоб ишга бош қўшиш ниятида бор маҳоратларини ишга солдилар.

Дарҳақиқат, мақбаранинг ҳар битта устуни, эшиклари, хоналари, хаттоки ҳар битта нақши кишининг диққатини тортади, хаёлини олиб қочади, эзгуликка даъват қилади. Гўзаллик яратиш учун кишининг кўнгли, хулқ-атвори ҳам гўзал бўлмоғи лозим, деган ўй кечади дилдан. Яна, улуғ авлиёнинг мақбарасига муносиб жавоб бермоқ учун ҳам киши бир қадар покиза бўлмоғи лозимдир. Кўнгилни шукрона қоплайди, демак, юртимизда яхши инсонлар, пок қалбли мўминлар бисёр.

Мана, оппоқ мармар остида пирлар пири, буюк аллома, элимизнинг энг фақих фарзандининг ҳоки туроблари. Уни бутун дунёдан ташриф буюрган турли миллат вакиллари зиёрат қилмоқдалар.

ҳуш кишидай ўзингизни ана шу ҳолатда тасаввур қиласиз. Кейин атрофни кузатасиз. Одамлар... Кўзларида нам, юзларида нур. Ҳамманинг лаблари пичирлаётган. Бу лаблардан фақат эзгу тилаклар, хушниятлар таралмоқда. Улар оқимига қўшиласиз. Кўнглингизнинг туб-тубида яшириниб ётган тилакларингизни тўкиб соласиз. Ҳеч кимга айтмаган гапларингизни айтасиз пири комилга.

- Юртимиз тинч, юртбошимиз омон бўлсин. Халқимизнинг ризқини янада бут қил, Тангрим!

- Ҳеч кимни ношукур қилма, Оллоҳим!

- Ҳамма яхшиларга ўзинг ёр бўл, дилимни заррача ёмонлик қопласа, ундан ўзинг қутқар, Худойим!

Ниятлар ниятларга уланаверади. Ана шундай сўзларга маҳлиё бўлиб, зиёратгоҳдан қушдай енгил бўлиб чиқасиз. Гуноҳларингиз кечирилганига, қалбингиз янада, янада эзгулик билан тўлдирилганига ишонгингиз келади. Амин бўласизки, дунёда ҳали яхшилик ҳукмрон! Яхшиликни ярлақашдан қўймагин, тангрим! Илоҳи, Турон заминига Имом Бухорийдай фақих фарзандларни кўплаб ато қил!

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА



Аждодларимизнинг бебаҳо мерослардан бири.

XXI асрнинг ҳуқуқий тафаккури

ФУҚАРОЛАР ФИКРИ АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛАДИ

Яқинлашиб келаётган XXI асрга бутун инсоният буюк ўзгаришлар, ривожланиш, тараққиёт гуллаб яшнайдиган давр сифатида қарамоқда. Янги юз йилликда инсон ақлидрокининг чексиз имкониятлари намоён этилиши башорат қилинмоқда.

Хўш, ана шундай даврда одамларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти қандай бўлади?

Мен бу ҳақда фол очиш ёки башорат қилиш фикридан мутлақ йироқман. Лекин, ўз касбини сидқидилдан ўрганишга киришган ёш бир мутахассис, қонунчилик тарихидан озми-кўпми бохабар бир ҳуқуқшунос сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, янги асрда қонунга итоат этиш, уни ҳурмат қилиш бугунги даврдагидан кескин фарқ қилади. Қонун асосида ишлаш ва яшаш одамларнинг одатий турмуш тарзига айланади. Фуқаролар кундалик, оилавий юмушлар билан чекланиб қолмасдан, давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол қатнашадилар. Ўз тақдири учун қабул қилинаётган қонунлар муҳокамаси, уларнинг ишлаш даражасига бўлган талаблари кескин ошади. Қолаверса, қонунни муҳофаза этувчи ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолияти, халқ ва давлат олдидаги масъулиятини баҳолашда ҳам фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари асосий мезон бўлиб қолади.

Мен кейинги асрнинг ҳуқуқий тафаккури ҳақида ўйларканман, юқоридагидек тўхтамга келишимнинг сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, ёш мустақил давлат сифатида бутун жамиятни ислоҳ қилишга киришган мамлакатимизда ўтиш даврининг асосий тамойилларидан бири сифатида қонун устиворлигига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларни фақатгина мавжуд қонунларга итоат этиб яшаш ва ишлашга ўргатиш билан чекланилмасдан, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бу борадаги ишлар ҳамон давом эттирилмоқда.

Фуқароларнинг мамлакат ва халқ ҳаётига дахлдор масалаларда фаол иштирокини таъминлаш борасида дастлабки одимлар ташланмоқда. Кучли давлатдан - кучли жамият сари деган ибораниг ортида ётган асосий мақсад ҳам мана шу.

Янги юз йилликда прокуратура, қолаверса, бошқа ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг тузилиши, фаолиятларидаги ўзгаришлар хусусида аниқ бир нарса дея олмайману, лекин давр, шароит тақозосига кўра муайян ўзгаришлар юз бериши табиий ҳол. Мен жамиятимиздаги бугунги ўзгаришлар, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасининг ўсиб боришига гувоҳ бўлиб ишонаманки, келажакда ҳуқуқ-тартибот соҳаси сафида ҳам фақатгина чуқур билимга эга бўлган, ўз ишининг ҳақиқий фидойилари, ўзининг асосий вазифасини халқ, давлат манфаатларининг ҳимоячиси деб билган кадрларгина ишлайди.

Ўктам САИДОВ,
Тошкент шаҳар, Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси

Газетамизнинг 100 сони

НОМИНИ ПРЕЗИДЕНТ

• *Муассислар биз ҳақимизда*

Мэлс НАИМОВ,
Тошкент шаҳар прокурори

ГАЗЕТА ЎЗ ФАРЗАНДИМИЗ

«Мустақиллик менга нима берди?» ёки «Сен мустақилликка нима бердинг?» каби саволлар кейинги пайтда матбуотда тез-тез кўзга ташланмоқда. Кишини ўйлантирадиган бу савол табиий равишда ҳар бир замондошимизни мустақилликнинг ўтган саккиз йилидаги ишларини сархисоб қилиб, келгуси режаларини шунга қараб белгилаб олишга чорламоқда. Мен ўзим бир ҳуқуқшунос сифатида бу саволга жавоб берадиган бўлсам, лўнда қилиб мустақиллик инсон табиатидаги ғайрат билан, шиддат билан яйраб-яшнаб ишлашимизга тўсқинлик қилиб келган империя тўғонларини бузиб ташлади. Юрагимиз буюрган ишни қилишимизга халақит бераётган кўринмас кишанларни парчалаб юборди, дейишим мумкин. Жиззахда, Сурхондарёда ва нихоят ҳозир пойтахт Тошкентда прокурорлик қилаётган давримда бирга ишлаган сафдошларим фаолиятидан бунга кўп мисоллар келтиришим мумкин. Лекин мен бошқа бир мисолга ўқувчилар эътиборини қаратмоқчиман. Бу бевосита «Ҳуқуқ» газетасининг дунёга келиши ва оёққа туриб олишига дахлдор гаплар.

Барча ҳуқуқий нашрлар қатори «Ҳуқуқ» газетасини ҳам мустақиллик фарзанди дейиш мумкин. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бундан саккиз-тўққиз йил аввал, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ёки Тошкент шаҳар прокуратураси газета чиқариб, ўз фаолиятига ошкоралик бермоқчи, деган гапни унчамунча одам ҳазм қила олмас эди. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи мумкин эмасга ўхшаб кўринар эди. Худога шукр, мустақиллик туфайли прокуратура ходимларимиз учун ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш, шу азиз Ватаннинг фидойи фарзанди сифатида ўзини намоён этиш учун кенг имкониятлар майдони пайдо бўлди. Прокуратура идоралари халққа яқинлашиб, фуқароларнинг бевосита кўмаги ва қўллаб-қувватлашини яқиндан ҳис этиб турибмиз. Бунда матбуотнинг, айниқса, «Ҳуқуқ» газетамизнинг ҳиссаси катта.

Газетанинг биринчи сони Тошкент шаҳар прокуратураси биносида саҳифаланди. Уни тайёрлаш жараёнини бутун жамоамиз кузатиб кўллаб-қувватлаб турди, десам муболаға қилмаган бўламан. Нашримизнинг ютуқларидан ҳаммамиз қувондик, камчиликларини биргаликда бартараф этишга ҳаракат қилдик. Газета кўз ўнгимизда шаклланди, республикамиздаги энг ўқимишли юридик нашрлардан бирига айланди. Прокурорларимиз ўз фаолиятларида газетанинг имкониятларидан самарали фойдаланиб келмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар прокуратурасининг маҳаллалар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишни йўлга қўйиб олишида газетанинг роли катта бўлганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Газета айрим туман прокуратуралари фаолиятидаги камчиликларни ҳам дадил танқид қилиб чиқди. Ўзимиз ҳам газета орқали фаолиятимизни танқидий руҳда кузатишга кенг йўл очиб қўйганмиз. Прокурор-терговчи ходимлари фаолиятини жамоатчилик ёрдамида назорат қилиб туриш учун шаҳар прокуратураси қошидаги инспекция «Ишонч қўнғироқлари»ни газетада эълон қилди.

Шундан кейин шаҳар прокуратурасига аввалгидек кўрқиб эмас, балки бу идорада менинг қонуний манфаатларим ҳимоя қилинади, деб ишонч билан келувчилар сони кўпайди. Менинг ва ўринбосарларимнинг қабулига келаётган фуқаролар аризаларининг социологик таҳлили асосида биз шундай хулосага келдик.

Шаҳар прокуратурасининг бирон-бир йиғилиши йўққи, газета билан ҳамкорлик масаласини муҳокама қилмаган бўлсак. Юқорида таъкидлаганимдек, ҳозир «Ҳуқуқ» газетаси республикамиз бўйича тарқалмоқда. Тошкент шаҳар прокуратураси бундан кейин ҳам ўзининг юксак парвозга чоғланган фарзанди сифатида газетани ҳар томонлама қувватлаб, унинг фаолиятида қизғин иштирок этади.

Сўзимнинг охирида ҳамкасб дўстларни ва газета ўқувчиларини Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлайман. «Ҳуқуқ» чилар ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш ишида сира чарчамасинлар.

• *Дил тубидан*



БУ ШУНДАЙ ТУЙҒУКИ...

Туғруқхонадан эндигина чиққан чақалоқ исини туйганмисиз? Агар шундай бахтга мушарраф бўлган бўлсангиз шунда она сутининг ўзига хос ҳидига омухта бўлган ҳолда, яна аллақандай ажойиб бир ҳид, фақатгина чақалоқларга хос ажиб, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бир ифор димоғингизга урилганми?

Бошқаларни билмадиму, шахсан мен ўша тушунтириб бўлмайдиган бир ҳолатга тушаман. Қўлимда норасида. Димоғимда муаттар бўй. Ўзим эса гўё бошқа бир оламдаман.

«Ҳуқуқ»нинг эндигина босмадан чиққан ҳар бир янги сонини қўлимга олар эканман, юқорида баён этилган ҳолатга уйқаш бир ҳисни туяман.

Билмадим, балки газета ёки журнални инсонга менгзаб янглишаётгандирман. Ёки бошқа биров бу туйғуни ҳис этмас. Кўп йиллик тажрибага эга матбаачиларнинг босмахона бўёғини бир ҳидлаган одам кетолмай яна қайтиб келади, деганларини кўп эшитганман. Дарҳақиқат, босмадан эндигина чиққан нашр нусхасидан босмахона бўёғи ҳидига уйқаш яна аллақандай бир ҳид келиб туради. Энди нашр билан инсонни бир-бирига қиёслашимнинг яна бир сабаби, фарзанд бирор ножўя иш қилса, ота-она таънаю дашном эшитади. Агар бирор хайрли юмушни бажарсачи, ота-онасига раҳмат олиб беради. Газетачиликда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Қолаверса, бир болага етти қўшни ота-она деганларидек, бу газета нафақат бизнинг, балки сиз, азиз муштарийларнинг ҳам фарзандингиздир. Демакки, газетанинг қай даражада чиқиши маълум маънода сизларга ҳам боғлиқ.

Ғофуржон АЛИМОВ,
«Қонун ҳимоясида» журналининг маъсул котиби

• *Эътироф*

ИШИМ

Ҳаёт чархпалаги айланаверади... Унинг ҳовучларига тушиб қолганлар ўз тақдирларига ёзилган ёзмишларини кўрмай илоҳлари йўқ, албатта. Аммо Яратганнинг ўзи бошқа мавжудотлардан улуғроқ, онгли ва идрокли қилиб Инсонни яратди.
Энди у турмуши, ҳаёти давомида туғилган муаммоларга нисбатан ечим эҳтиёжини сезади. Балким, ана шу ечимга бўлган эҳтиёж ўз дарди, муаммосини хат орқали ифода этишни тақозо этган бўлса, эҳтимол.

1998 йил бошида таҳририятга мусаҳҳиҳ бўлиб ишга олиндим. Тўғри, дастлаб бироз қийналдим, чунки ҳам хатолар, ҳам жумлалар устида ишлаш керак эди. Қолаверса, «Ҳуқуқ»да юридик атамалар, сўзлар кўпроқ учрайди. Саҳифани асл ҳолига келтиришда анча-мунча меҳнат, кўз нури, айниқса билим талаб қилинади. Бу ишда менга муҳаррир ўринбосари, жамоанинг ёрдами катта бўлди. Бора-бора мен ўз ишимга меҳр қўйдим. Бу хатолар бўлмади дегани эмас, албатта хатолар барибир ўтиб

• *Пият*



ЮЗИНЧИ ДОВОН

Вақтнинг ўтишини қаранг! Ҳаш-паш дегунча юзинчи довонга етиб келибмиз. Умримизнинг долғали дамларию, қувончу ташвишларимизни ўзи билан олиб қолган довонлар...

Газетанинг нишона сонини чиқарганда қанчалик қийналган эдик. Энди эсласам, бу қийинчиликларда ҳаловат, маъно-мазмун бор экан. Булар юракка таскин, қувонч ва ишонч бахш этади.

Сиз, азиз мухлисларимиз билан «Ҳуқуқ» орқали юз марта дийдорлашибмиз. Ишимиздан баъзан кўнглимиз тўлди, баъзан эса... «Ҳуқуқ» сонлари кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади. Танқид ҳам эшитдик, мақтов ҳам. Энг муҳими шуки, ўтган икки йил биз учун катта синов ва сабоқ даври бўлди.

Йил бошида Мустақиллик байрами, айни пайтда Ҳуқуқ байрами ҳамдир. Ахир, Президентимиз «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир», деганлар-ку. Дарвоқе, англагандирсиз, газетамизнинг номи ҳам шундай аталишини.

Бундай ном билан фахрланмай бўладими!

Ниятсиз кўнгил ғарибдир. Ортимиздан келажак ҳур ва эркин фикрли журналистларнинг янги авлодига Мустақилликнинг 100 йиллигини «Ҳуқуқ» саҳифаларида тараннум этиш насиб этсин!

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Бош муҳаррир ўринбосари

• *Илк марта*



ЁЗИШ ОСОН ЭМАС ЭКАН

Бу - менинг биринчи ижодий ишим. Журналист акаларимдан юқдими, ҳар қалай, нимадир ёзгим келди. Шунинг учун ҳаяжондаман. Нималар ҳақида ёзсам экан? Эсладим.

Бу ерга ўзимнинг мутахассислигим бўйича компьютер оператори бўлиб ишга келдим.

Газетанинг илк сонлари Тошкент шаҳар прокуратураси биносида тайёрланган эди. Ҳали у пайтда таҳририятда кадрлар етишмас, бир киши 2-3 киши учун ишлар эди. Мен қизлардан ёлғиз ўзим эдим. Тошкент шаҳар прокурорининг ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаш бўйича ёрдамчиси Лола опа Шомуродова таҳририят билан ҳамкорлик қилардилар. Менинг эса ёлғизлигим билинмас эди. Чунки Лола опам менинг ҳар доим ёнимда, билиббилмай қилган хатоларимни тўғрилашга ҳаракат қилардилар. Дастлаб жуда секинлик билан ишлардим. Мен бундан жуда хижолат чекар эдим. Бора-бора ўз касбимга меҳрим ҳам ошиб борди. Дастлаб мен битта газетанинг мақолаларини териб улгурмас эдим, мана энди бир эмас, бир нечта газетанинг мақолаларини теришга ҳам қурбим етади. Бугунги кунга келиб ўз ишимни мукаммаллаштириб олдим.

Баъзан кези келганда дам олиш кунлари ҳам ишлашга тўғри келарди. Аста-секинлик билан кадрлар кела бошлади. Ишимиз борган сари қизиқарли, мароқли ва унумли бўлиб борди.

Мана шунга ҳам 2 йил бўлди. Жамоамиз, қолаверса газетамиз шу 2 йил ичида тўлиқ шаклланди. Шуни билдимки, журналист меҳнати оғир ва масъулиятли, нони эса ширин бўлар экан.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлганлиги сабабли, бизнинг жамоамиз учун қўшалоқ байрам, яъни бири - мустақилликнинг 8 йиллиги бўлса, иккинчиси газетамизнинг юбилей - 100-сонини қўлингизда ушлаб турибсиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимиз, қолаверса жамоамизни мустақиллик байрами билан чин қалбимдан табриклайман!

Дилноза САЙФУЛЛАЕВА,
матн кўчирувчи

ТОПИБ БЕРГАН

ЎЗИМГА ЁҚАДИ

кетарди. Шундай пайтларда ўятдан жуда хижолат бўлардим. Умуман олганда ишим ўзимга ёқади.

Бугунги кунда «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасининг хатлар бўлимида иш бошладим. Ҳали бу ишга буткул ўрганганимча йўқ, лекин газета мен учун барибир қадрдон, чунки мен газетада тажрибамни оширдим. Хатлар билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам масъулиятли экан.

Оппоқ қоғоз, оқ кабутар. Оқ қоғоз ўз бағрини сиёҳ қилиб, менинг, сенинг дарду ҳасратларингни кўксига жо этади. Энди уни ўчириб кўр-чи, фақат йиртиб ташлашинг мумкин, холос. Шунда ҳам мен ва сен ёзган дарду ҳасратлар қоғоз билан бирга парчаланиб кетади. Киши кишининг дардини эшитади, тинглайди, аммо танаси бошқа дард билмас дейдилар. Шунинг учун ҳам балки...

Хатлар таҳририят билан халқ орасини боғловчи кўприк ҳисобланади. Худди мана шу кўприк орқали биз сиз билан ҳамнафас, дардкаш бўлиб қоламиз.

... Аччиқ кўз ёши, дил ҳасратлари битилган мактублар...



Уларни ўқир экансан, беихтиёр жабрдийда қалбнинг дардига малҳам бўлгинг келади. Гўё елкангда тоғ тургандай ўзингни оғир сезасан, чунки хат сени ўз домига тортадики, у сўзлаб бераётган воқеалар гўё сеники каби.

Хатлар... Муаммоси ҳал бўлганлигидан хурсанд бўлиб, миннатдорчилик билдириб ёзилган мактублар... Енгил нафас оласану, борлигинг яшнаб кетгандай туюлади, гўё.

Маъмура ДУСИЯРОВА,
хатлар бўлими муҳаррири

• *Холис фикр*

«Ўнта бўлса ўрни бошқа...», деган ҳикматли гап бор. Икки йил мукаддам «Ҳуқуқ» газетаси чиқа бошлаганда бу янги нашр республикамиз нашрлари орасида ўз ўрнини топа олади, деб умид қилгандик. Ана шу яхши ниятимиз амалга ошиб бормокда. Ҳозир ҳафталикни излаб ўқийдиган ўз мухлислари бор. Бу катта гап.

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАЁТГАН НАШР

Мен ҳам «Ҳуқуқ»ни мунтазам равишда бўлмаса-да, ўқиб бораман. Ҳафталикда муштарийларнинг хатларига кўп ўрин берилаётганлиги, масалан, «Таҳрирсиз хат» рубрикаси остидаги материаллар, «Ҳуқуқий маслаҳатхона» саҳифасининг тез-тез чиқаётганлиги газетхонларнинг «Ҳуқуқ»қа бўлган ишончини орттиради. Айниқса, ёш ҳуқуқшунос журналист Дониёр Халилов олиб бораётган ҳуқуқий савол-жавоб саҳифаси кўпчиликни жуда қизиқтиради. Истагим шуки, имкон қадар, «Ҳуқуқий маслаҳатхона» саҳифаси газетанинг ҳар сонида мунтазам ўрин олса. Бу - ғоят савобли иш бўларди.

Газетада эълон қилинаётган З.Мамадалиев, М.Боллиева, Б.Уллибобоев каби журналистларнинг суҳбат ва мақолалари ҳам ҳуқуқ соҳасидаги миллий журналистикамизнинг шаклланишида муайян ўринга эга. Мен бу ўринда Зайниддин Мамадалиевнинг ўқувчини ўйлашга даъват этадиган мақолаларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим *(«Бир жуфт олма», «...Куйдирмоса ҳам қора қилади»...)*.

«Ҳуқуқ» матбуотимиздагина эмас, балки ҳаётимизда ҳам ўз ўрнини эгаллаши зарур бўлган нашрларимиздан. Чунки биз қонун устувор бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бундай замонавий, дунёвий давлатнинг фуқаролари эса ўз ҳуқуқларини ҳам, бурчларини ҳам аниқ-равшан билишлари керак. Бинобарин, халқимизни ҳуқуқий жиҳатдан саводли қилиб тарбиялашда, унинг кўзини очишда «Ҳуқуқ» ҳафталигининг зиммасида шарафли ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу йўлда газета анча савобли ишларни амалга оширди. Улар кўпчилик назарида. Бироқ, табиийки, навқирон газета жамоаси рўёбга чиқарадиган ишлар ҳали анча. Шу боис баъзи истакларларимизни айтсак.

«Ҳуқуқ»да республикамизнинг барча вилоятларидан материаллар ёритиб борилади. Айниқса, мансабдор шахслар номларидан бериладиган ҳисоботнамо мақолалар кўп. Уларда, одатда, рақамлар, номлар мўл, таҳлил, фикр мулоҳазалар кам бўлади. Оқибатда, газетхон уларни ўқимай қўйиши мумкин. Демоқчиманки, материалларнинг ўқишли чиқишига интилган маъқул. Газетада «Фотоайбнома» рубрикаси остида Юсуф Жўраевнинг «Одатга айландими ?» (1999 йил 13 январь) сарлавҳали мақоласи босилган. Жуда муҳим, ўқувчига таъсир қиладиган материал. Бундай одамнинг кайфиятини бузадиган фактлар афсуски, кўп учрамоқда. Бинобарин шу хил мақолаларни тез-тез бериб бориш керак.

Газетачилик - машаққатли, масъулиятли меҳнат. Чунки журналист, биринчи навбатда, газетхоннинг, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиши керак. Бу эса, ҳаммангинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас! Азиз халқимизнинг ҳимоячиси, чинакам фарзанди бўлишда навқирон ҳамкасбларимга уларнинг байрамлари кунида омад ва муваффақиятлар тилайман!

Маҳмуд САЪДИЙ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

• *Ҳамқадам*

Мустақиллигимизнинг саккиз йили нишонланадиган улуғ кунда «Ҳуқуқ»нинг юзинчи сони чоп этилишини эшитиб қувондим. «Ҳуқуқ» мустақилликнинг фарзанди, қолаверса содиқ ҳимоячиси ҳамдир. Унинг саҳифаларида ёритилаётган ҳар бир мақола кишиларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга, жиноятчиликнинг олдини олишга, кишилар орасида меҳр-оқибатнинг мустаҳкамланувига, булар эвазига эса давлатимиз тараққиётига хизмат қилади.

ЮЗИНЧИ ДИЙДОР

Биз «Ҳуқуқ»ни қонунчилик ривожига хизмат қилувчи бош нашр деб биламиз. Қорақалпоғистонда бундай масъулиятни зиммасига олган «Адам ҳем Нызам» газетамизнинг юзинчи сонини муштарийларимиз ҳукмига ҳавола қилдик.

Қорақалпоғистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг «Адам ҳем нызам» - «Инсон ва қонун» газетаси 1996 йил 1 сентябрдан буён ўзбек ва қорақалпоқ тилларида мунтазам чоп қилиниб келинмокда. Газета мавзуларининг ранг-баранглиги, халққа яқинлиги, фармон ва қарорларга шарҳлар мунтазам ёритилиши, турли ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилиши муштарийлар сонининг ортиб боришига боис бўлмокда.

Дастлаб 5000 нусхада чоп этилган газетанинг бугун 20000 га яқин обуначиси борлиги қувончли ҳол, албатта.

- Матбуот давлат ва давр ойнаси, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳакимбой Ҳалимов таҳририят жамоасини қутларкан, - ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишида, муҳими, жиноятчиликнинг олди олинишида «Адам ҳем Нызам»нинг муносиб ўрни бор. «Адам ҳем нызам»ни ўқиб, тўғри йўлни топиб олдим, деб таҳририятга келувчилар кўпайишини истардим.

Бугун қўшалоқ байрам: ҳар иккала газетанинг юзинчи сони - юзинчи дийдор билан ҳамкасбларимни ва муштарийларимизни қутлайман. Ҳали кўп бор дийдорлашиб, эзгу ишларга эш бўлайлик!

Норбой ТЎРАБОЕВ,
«Адам ҳем нызам» газетаси бош муҳаррири

• *Изланиш*



МАҚСАД САРИ

Газетхонларимизга «Ҳуқуқ»нинг нишона сонини тақдим этганимизга яқинда икки йил тўлганди. Кеча эса 100-сон ташвишлари билан банд эдик.

Газета ўтган икки йил ичида нималарга эришди, қандай ишларни қилишга улгурди? Бу ҳақда ўзимизнинг мулоҳазаларимиздан ташқари, мухлисларимизнинг фикрини ҳам эшитиб улгурдик. «Ҳуқуқ» ҳақида гап кетганда аксарият ҳолларда уни эҳтиёж фарзанди дея таърифлашади. Жойларда ўқувчиларимиз билан бўлган бевосита мулоқотларда бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик. Газетхонларимизнинг «Ҳуқуқ» тўғрисида, унинг мазмунмундарижасини бойитиш хусусидаги фикрларига қулоқ тутарканмиз, газетамиз шу қисқа давр ичида халқнинг ишончли нашрларидан бирига айланганлигига гувоҳ бўлдик. Демак, «Ҳуқуқ» бундан-да сермаъно, янада жўръатли, одамлар кўнглидаги гапларни иккиланишларсиз саҳифаларига олиб чиқадиган нашрга айланиши лозим. Шубҳа йўққи, таҳририят бу мақсадга албатта эришади.

Дилшод ИСЛОМОВ,
масъул котиб



Табассум кўрсангиз

гуллар лабида,

«Ҳуқуқ»нинг қизлари

лола сайлида.

• *Ислоҳот жонкуярлари*

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ВАКИЛИ

Инсон меҳнати билан гўзал, деб бежиз айтмайдилар. Бу ҳикмат биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон - марғилонлик тадбиркор Раҳматулла ҳожи Камолов тақдирида рўй-рост ўз аксини топган.

Раҳматулла ака косиблару ҳунармандлари, санъаткору тадбиркорлари билан қадимдан довруқ қозонган шаҳарда вояга етди. Отаси Иброҳимжон акани ҳам нафақат марғилонликлар, балки бутун водий халқи яхши танир, иззат-ҳурматини жойига қўярди. Сабаби, Иброҳимжон ака меҳнат қилган одамни жуда яхши кўрар, ўзи ҳам тиниб-тинчимасди. У киши оламга машҳур Марғилон атласининг сиру асрорларини миридан сиригача биладиган, ўзбекнинг бор гўзаллиги жило топган матонинг саноат асосида ишлаб чиқарилишига бош-қош бўлган ташкилотчилардан бири эди. Давлат иши, маҳалла-кўй ташвишлари билан тиниб-тинчимайдиган бу инсон оиласида саккиз нафар фарзанд вояга етган бўлса, уларнинг бари меҳнаткаш ва оқил бўлиб ўсишди. Сабаби битта-Иброҳимжон ака болаларини яхши ўқитиш билан бирга, улар доимо бирор фойдали юмуш билан банд бўлишларини хоҳларди ва уйда шундай шарт-шароит яратиб берган эди.

- Дада, уйда ҳамма нарса етарли бўлса, қўй боқиш шартмикан, - дея нолиб қолдим дейди Раҳматулла ака. - Мактабдан кела солиб уй вазифаларини бажарардим. Кейин уйимизда доим боқиладиган 5-6 та қўй билан овора бўлардим. Тенгқурларим билан ўйнашга ҳам баъзан вақт бўлмасди. Дадам эса: Ишни режалаштириб ол, шунда ҳаммасига улгурасан. Билиб қўй, меҳнатдан қочган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди, дердилар.

У кишининг яна бир гаплари қулоғимга кўрғошиндай қуюлиб қолган. «Қўлингдан келганча одамларга яхшилик қил, айниқса, етим-есир, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан ҳамиша хабардор бўл. Хайр-эҳсонли одам ҳеч қачон кам бўлмаган».

Раҳматулла ака ўрта мактабни битиргач Тошкент халқ хўжалиги институтига кириб ўқиди. Иш фаолиятини эса 1976 йилда малия иқтисодчиси сифатида бошлади.

- Дастлаб банкда, кейин савдо соҳасида, умумий овқатланиш тизимида ишладим. 1991 йилда Тошлоқ тумани матлубот жамиятлари уюшмасига раис бўлдим. Иш билан бўлиб уйга баъзан жуда кеч қайтардим. Ва, биринчи қиладиган юмушим ҳовлидаги 4-5 та қўйнинг аҳволидан хабар олардим. Отам раҳматли жуда ўргатиб қўйган эканлар-да. Ҳовлида биронта ҳайвон бўлмаса ҳамма ёқ бўш тургандай туюлаверади. Бу ҳам майли-я, кичикроқ бўлса ҳам фермер хўжалиги ташкил этиб, чорвачилик билан астойдил шуғулланиш орзуси сира хаёлимдан кетмай қолди. Бора-бора бу орзу қатъий қарорга айланди.

Хуллас, дўст-биродарлари, яқинлари билан маслаҳатлашиб хусусий ферма ташкил қилди. Тошлоқ туманидаги «Заркент» жамоа хўжалигининг ташландиқ бир жойидан молхона қуриш учун жой сўраб олди. Замонавий ферма биноси тайёр бўлгач, озуқа экинлари учун тошлоқ ердан 60 гектар ер ажратиб беришди. Аммо бу ерларга сув чиқмасди. Тиниб-тинчимас Раҳматулла ака бу ишнинг ҳам уддасидан чиқди. Дастлаб 60 та қорамол сотиб олди. Орадан бир йил ўтгач эса улар сони 400 дан ошиб кетди.

- Озуқа базаси етарли бўлса, мол боқиш кўпам қийнамас экан, - дейди у киши. - Бунинг устига фермер хўжалигимизга энг-яхши мутахассисларни жалб этдим. Уларга яхши маош белгиладим. Натижа ҳам шунга яраша бўлаяпти. Икки йилда қилган ишимиз кўзга кўрина бошлади.

Раҳматулла ҳожи Камолов фермер хўжалигида ишни яхши йўлга қўйиш билан бирга давлат ишини ҳам бир кун бўлса-да, эсдан чиқармади. Унинг етакчилигида Тошлоқ матлуботчилари мана бир неча йилдирки, соҳада етакчи туманлардан бири бўлишидан ташқари жуда катта хайрли ишларни ҳам амалга ошириб келаяпти. Фақат ўтган икки йилнинг ичида жамоа 135 боланинг хатна тўйини ўтказиб, эл-юрт дуосини олди. Тумандаги мактаблар эса бир неча йилдирки, матлубот жамиятининг доимий ҳомийлиги остида республика миқёсидаги кўрик танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти.

1998 йил Раҳматулла ака учун ниҳоятда омадли келди. Шу йили у «Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминоти фахрий ходими», «Матлубот савдоси аълочиси», «Ўзбекистон халқ таълими ҳомийси» нишонлари билан тақдирланди. Унинг тадбиркорлик фаолиятига ҳам айнан шу йили катта баҳо берилди. «Энг яхши фермер» кўрик танловида ғолиб чиқиб, олтин медаль ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мукофоти - «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

- Бир йилда икки мукофот бошингизни айлантириб юбормадими? - деймиз ҳазиллашиб.

- Аксинча, ишга бўлган қизиқишимни янада кучайтирди. Фермер хўжалигига эътиборни оширдим. «Кичик бизнес» деганларини яхши билмас эканман. Астойдил меҳнат қилсангиз унинг натижаси ярқ этиб кўзга ташланаркан. Айниқса, бизнинг эндигина бошлаган ишимизга юртбошимиз алоҳида эътибор қаратганлари кайфиятимизни жуда кўтариб юборди.

Энди бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб ишлаяпмиз. Тумандаги давлат муассасаларини таъминловчи гўшт консерваси чиқарадиган кичик корхона қурмоқчимиз. Худо хоҳласа, ҳадемай бу ниятимизга етамиз.

Ҳозир Р.Камоловнинг хусусий фермасида 30 дан зиёд одам ишлаяпти. Агар консерва ишлаб чиқариш цехи ишга тушса яна 20 та иш ўрни юзага келади. Савдо дўконларида «Камраҳ» белгиси қўйилган гўшт консервалари пайдо бўлади. Кейин эса... Раҳматулла ҳожи каби тиниб-тинчимас одамлар бугунги натижалари билан кифояланиб қолмасдан, яна янги, яна ҳеч ким қўл урмаган ишларга киришиши аниқ. Чунки бу каби инсонлар кичик бизнеснинг катта вакилига айланиб боряптилар. Демак, келажак режалари ҳам шунга яраша бўлади.

Дониёр ХАЛИЛОВ

Таҳририятдан: *Газетамиз саҳифаланаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Р.Камолов «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги тўғрисидаги хабарни олдик. Биз ушбу мукофот билан Раҳматулла акани табриклаб, келгуси ишларида зафарлар тилаймиз.*

• *Мустақиллик берган ҳуқуқ*

Юртимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятлари қайта тикланиб, янада сайқал топмоқда. Халқимиз ҳаётида, маданиятида ҳамда маънавиятида, агар таъбир жоиз бўлса, буюк уйғониш даври бошланди. Маънавий қадриятларимиз ўзаги бўлган муқаддас Ислом дининг жамият ҳаётидаги роли беқиёс эканлиги тан олинди. Буларнинг барчасини бир сўз билан мустақиллик берган неъматлар дейишимиз мумкин.

Бугун Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлини тутди. Хўш, ушбу жараёнда дин, хусусан, Ислом дини қандай аҳамиятга эга? Ватандошларимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий камолотида, уларни Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларда руҳият кишилари, яъни диний уламоларнинг тутган ўрни нималарда кўринади?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида мухбиримиз Тошкент шаҳар имом хатиби Анвар ҳожи Кўчқор ўғлига бир неча саволлар билан мурожаат қилди.



ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

- Муҳтарам домла, маълумингизким, дин инсонни маънавий жиҳатдан юксалтирувчи асосий омиллардан биридир. Маънавиятга, маънавий қадриятларимизга кучли эътибор қаратилаётган бугунги кунда диннинг, диний идораларнинг вазифалари нималардан иборат?

- Бисмиллоҳир раҳманир раҳийм. Алҳамдулиллоҳ, юртимиз мустақил бўлиб, динимизга, маънавий қадриятларимизга эътибор кундан кунга кучаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Жамият тараққиётининг бир қаноти моддий бойликларимизнинг кўпайиши бўлса, иккинчи қаноти, шубҳасиз, маънавиятдир. Маънавиятнинг боши, асоси эса иймон-эътиқоддир. Жамиятда иймон-эътиқодли инсонларнинг кўпайиши билан ҳаётимиз покизалашиб бораверади. Бу жараён диний идораларнинг зиммасига улкан вазифалар юклайди. Фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни Ватанга, элу юртга садоқат руҳида тарбиялаш зиммамиздаги энг асосий вазифа деб биламан.

Пайғамбаримиз «Дин бу насиҳатдир» - дея марҳамат қилганлар. Насиҳат эса ҳамманинг энг катта эҳтиёжи.

- Дунёвий давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда Ислом динининг тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?

- Дин эзгуликдир. Дин меҳру оқибат, шафқату мурувватдир. Дунёвий давлат қуриш йўлини тутган юртимизда бугун ҳам, келажакда ҳам Ислом динининг тутган ўрни беқиёс. Халқимизга, айниқса, ёшларимизга Қуръони карим, Ҳадиси шарифда мужассам бўлган бебаҳо маънавий хазиналар сув билан ҳаводек зарурдир. Ислом тинчликка даъват қилади. Ислом - Ватанни севишга, унинг фидойиси бўлишга ундайди. Ҳадисда «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилганки, бунинг маъноси жуда кенг.

- Домла, мана бугун юртимиз истиқлолининг 8 йиллик тўйи арафасида турибмиз, шу ўринда юртдошларимизнинг собиқ шўролар даври ҳамда айни пайтдаги динга муносабати ўртасидаги тафовутларга тўхталсангиз.

- Шўро даврида динга бўлган муносабат, унинг салбий оқибатлари бугун ҳеч биримизга сир эмас. «Дин афюндир» дея дин, диндорлар таъқибга учради. Динга эътиқод қилиш бутунлай таъқиқлаб қўйилди. Оқибатда эса жамият кишилари руҳиятида қашшоқлашув, маънавий таназзул яққол кўриниб қолди.

Алҳамдулиллоҳ, истиқлол тонги халқимизга динини, маънавиятини қайтариб берди. Халқимиз бугун моддиюнчилик васвасасидан қутулиб ўзлигини таниди. Қуръони каримнинг тавсирини, Ҳадиси шарифни ўзбек тилида катта қувонч билан ўқимоқда. Ҳидоят йўлини тутганлар сони кун сайин кўпаймоқда. Озод юртимизда виждон эркинлиги тўла таъминланган. Ибодатларимизни бажаришда монеълик йўқ. Иншоолloҳ, яна кўп яхшиликлар бўлади. Оққан дарё ҳамиша оқади. Яна юртимиздан Имом Бухорийлар чиқади.

Оллоҳ таоло барчамизга рушду ҳидоят ато айласин. Ислом дини тинчликка, саломатликка, маърифату маънавиятга чақирадиган дин эканлигини тушунишимизни Оллоҳ ҳаммамизга муяссар айласин.

Фазилат ЁДГОРОВА суҳбатлашди



Хива. Ичан қалъа.

• *Истиқлол чечаклари*

Бахмаллик Маматмурод акани икки-уч йил олдин учратгандим. Ҳажга бориш дардида юрганди. «Ука, болалардан тинчиганман. Оллоҳ насиб қилса бир ҳаж қилмоқчиман», деганди ўшанда Маматмурод ака. Орадан бир йил ўтиб у кишини яна учратдим. У жуда тетиклашиб, юзига нуронийлик сингиб, анча ўзгариб қолган экан. «Оллоҳга минг қатла шукр. Ниятимга етдим. Каъбатуллоҳни зиёрат қилдим», дедилар ички мамнуният билан. - Яратган умр берса қолган умримни савоб ишларга бахш қилмоқчиман».

ҲОЖИ БОБОНИНГ «ИСТИҚЛОЛ» КОМАНДАСИ

Яқинда Маматмурод аканинг ўзи стадион қуриб, турнир ўтказаётганини эшитиб, Бахмалга - Маматмурод аканинг Ғубур қишлоғига йўл олдик. Бахмал азалдан ўзининг гўзал табиати билан инсонларни мафтун қилиб келган гўша. Бу ерда Маматмурод акани танимайдиган одамнинг ўзи йўқ. Ғубурликлар Маматмурод акани «Ҳожи бобо» дейишади.. Ёши олтмишдан ошган бу кишини тенгдошлари ҳазиллашиб, «Ҳожи бобо, қалайсиз?» деб қўйишади. Бунга у киши астагина кулиб, «Оллоҳга шукр», деб жавоб беради. Ҳожи бобонинг ғайратини кўриб ҳавас қиласан киши, ҳовлидаги 100 тупдан кўпроқ мевали дарахтларга ўзи ишлов беради. Беш-ўн қорамолга ўзи қарайди. Болалари «ота, Сиз дам олинг» дейишига қарамай сира тинибтинчимайди. Оилада деҳончиликка ҳам алоҳида эътибор қаратган. Отанинг ўзи «агроном». Унинг уйида меҳмон бўлган куним тонгда туриб ташқарига чиқсам Маматмурод ака молларига маккажўхори ўраётган экан. Қўлидаги ўроқни кўрсатиб, «Бу бизнинг «спорт анжомимиз». Эрта тонгда ярим соат «машқ» қиламиз, - дейди ҳазил аралаш, - қарабсизки, кун бўйи бардам юрасиз. Тонгда туришнинг ҳикмати кўп. Бекорга айтишмайдики, тонгда Оллоҳ ризқ улашади, деб».

***

Ўша куни Бахмалнинг Ғубур қишлоғида ҳақиқий байрам бўлди. Ҳожи бобонинг ташаббуси билан ташкил қилинган «Истиқлол» стадионида Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидан 4 та, Бахмал туманидан ҳам 4 та команда майдонга тушишди. Бош ҳомий Маматмурод ҳожи 200 минг сўмлик спорт кийимлари ва турли совғаларни футболчиларга улашди. Ғолиблар тақдирланди. Бу турнирга «Спорт» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ойбек Юнусов ҳакамлик қилди. Футболчиларга Ўзбекистон телевидениесининг шарҳловчиси Давлат Турдиалиев оқ йўл тилади. Учрашувда ҳожи отанинг «Истиқлол» командаси илк бор майдонга тушди.

- 1998 йил укам Бердимурод Қўчқоров оламдан ўтди, - дейди ҳожи бобо. -У мактабимизда узоқ йиллар рус тилидан дарс бериб келди. Ундан беш нафар фарзанд қолган. Ниятим уни хотирлаб футбол турнири ўтказиш эди. Бугун ана шу ниятимга етдим. Яна ўзим қишлоғимизнинг «Истиқлол» командасини туздим.

- Ҳожи бобо, - дейман у кишига юзланиб, - масжид қурган, етим-есирга қарашган тижоратчиларни, бой-бадавлат инсонларни телевизорда кўп кўрсатишади, газеталарда хўп ёзишади. Лекин ўйингоҳ қурган, кутубхона қурган ҳожи боболарни эшитмагандим.

- Бу ёруғ оламда инсондан фақат яхшилик қолиши керак. Умактоб қурадими, гузар қурадими, бундан қатъий назар. Бир неча йил аввал қишлоғимизга кичкинагина «отахонлар оромгоҳи»ни қуриб бергандим. Қишлоғимизнинг қариялари



Маматмурод ҳожи неваралари билан.

ҳали ҳам дуо қилишади.

- Стадион қуришингизга, футбол командасини тузишингизга ҳеч ким қаршилик қилмадими?- сўрайман Маматмурод акадан.

- Битта-иккита ақл ўргатувчилар чиқиб қолди. Маматмурод, «стадион қуриб нима қиласан, шунинг жойига картошка эксак қандай бўлади» дейишди. Унамадим. Тўғриси, ўша одамдан хафаям бўлдим. Спортда гап кўп. Жисмоний машқ қилган инсон аввало соғлом бўлади, узоқ умр кўради.

- Спортнинг қайси турини ёқтирасиз?

- Узоқ йиллар йўл қурилиши соҳасида ишладим. Ўйлайманки, бу ёруғ оламда кўприк қурмоқ, йўл қурмоқ савоб иш. Қишлоқда от миндик, кетмон чопдик. Буям катта спорт.

... Қишлоқда муаммолар кўп, - дейди Ҳожи бобо ўйга толиб, - бу ер шаҳар эмаски, ёшлар кинога тушса, кечқурунлари истироҳат боғларига борса. Қишлоқ ёшлари ҳам ишдан кейин инсондай дам олишлари керак-ку ахир. Ана шу мақсадда стадион қурдик. Тўп сурсин деб. Яна қишлоғимизда «Оталар оромгоҳи» қошида кутубхона очдик.

Биз Бахмалда бўлган ўша куни Ҳожи бобо ўзининг шахсий кутубхонасидан 3 мингга яқин китобни ана шу янги очилган зиё масканига совға қилди. Бу савобли ишларни амалга оширишда Тошкентда яшайдиган икки ўғли Ўктам билан Илҳом ҳам ёрдамини аямади. Кичик ўғли Фахриддин Маматмурод ака билан бир ҳовлида яшайди. Ота янги бир савобли ишни бошламоқчи бўлса, ўғиллар ҳам қанотига кириб «бизга ҳам топшириқ беринг» дейишади.

Катта ўғли Ўктамнинг касби врач бўлса-да, адабиётни, санъатни, спортни жон-дилидан севади. Унинг бир неча китоблари чоп этилган. Отанинг иккинчи ўғли Илҳом эса юрист.

Маматмурод аканинг 7 фарзанди бор. Ота улардан хурсанд. Ўғил-қизларига кўп насиҳат қилади. «Фарзанд тарбиясида лоқайдлик кетмайди» дейди.

Ҳожи бобо юрт кўрган инсон. Шу сабаб бўлса керак, китобни кўп мутоала қилади. Стадионнинг очилиши маросимида ҳам кўплаб ёзувчиларнинг дастхатлари туширилган асарларни ҳам ёш спортчиларга совға қилди.

Маматмурод акадан сўрайман:

- Ҳожи бобо, бировнинг чўнтагидаги пулни ҳисоблаш яхши эмас, дейишади-ю, лекин сир бўлмаса айтсангиз, оиланинг йиллик даромади қанча?

Ҳожи бобо мийиғида кулиб қўяди:

- Ўзимизга етарли. Ҳовлида енгил машина бор. Шаҳарлик ўғиллар ҳам ўзига тўқ. Буям улар меҳнатининг самараси. Яратганга шукр, деҳқончилигимизга барака бераяпти. Ҳар йил элга бир-икки марта ош бериб имкон қадар тўй қиламиз. Қолганини савоб ишларга сарфлаймиз.

Ота билан хайрлашиш фурсати етганди. У киши кўпимни қаттиқ қисиб, - Оллоҳ насиб қилса бундан ҳам кўпроқ савобли ишларни қиламиз. Ана шунда Тошкентдан кўплаб журналистларни таклиф қиламан, - деди ички бир ҳаяжон билан.

У кишининг «Истиқлол» командаси ўз майдонида Тошкентнинг «Пахтакор» командасини қабул қилганида, албатта «Ҳуқуқ» газетаси учун репортаж ёзишга ваъда бердик. Яхши ниятга нима етсин!

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ЖАҲОНГА ТАНИЛАЁТГАН ЮРТ









• *Пазм*

БАЙРАМ БУГУН

Таралмоқда ширин-ширин куй,
Оҳанрабо ашулалар ҳам.
Ҳаяжонлар кўкка чўзар бўй,
Шодиёна кун бугун, байрам.

Табассумдан ёнар ёноқлар,
Кўринмайди чеҳраларда ғам.
Унутилди нидолар, оҳлар,
Шодиёна кун бугун, байрам.

Кутган эдик бўлиб интизор,
Тиллар боғлик, юраклар пурғам.
Келди мисли бир баҳор бўлиб,
Шодиёна кун бугун, байрам.

Лек бу кунга етолмай кетди,
Халқим, қанча ўғил-қизларинг.
«Гулаг»ларда ҳаёти битди,
Айтгани-чун юрак сўзларин.

Кўллар юртин этиб ҳимоя,
Олган эди босмачи, деб ном.
Кўллар Ватан хоини дея,
Этилганди бир умр бадном.

Мазлум халқим, сен бугун озод,
Мустамлака кишанларидан.
Она юртда эшитилмас дод,
Шодиёна кун бугун, байрам.

Юракларда тошиб эҳтирос,
Куйга монанд ташлайлик қадам.
Ўғлим, кўрқмай дадил-дадил бос,
Шодиёна кун бугун, байрам.

Истиқболи буюк Ватанда,
Шод яшайлик дўстлар жамулжам.
Истиқлоли суюк Ватанда,
Шодиёна кун бугун, байрам.

Йўлдош ПАРДА.

• *Хушхабар*

ОФАРИН, ЙИГИТЛАР!

Озод Ўзбекистонимиз ўз санъати, маданияти ва спорти билан ҳам жаҳонни лол қолдирмоқда. Мустақиллик байрами арафасида Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро фестивали юртимиз довруғини яна бир карра оламга таратган бўлса, АҚШ да ниҳоясига етган бокс бўйича жаҳон чемпионатида ўзбек боксчиларининг ёркин ғалабаси катта шов-шувли воқеа бўлди.

Бу чемпионатда икки ўзбек йигити - Ўткирбек Ҳайдаров ва Муҳаммадқодир Абдуллаев эришган ғалаба шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда, қалбларимиз ифтихорга тўлиб тошди. Бу - мустақиллик шарофати!

Яна бир боксчимиз - Тўлқин Турғунов чемпионатнинг кумуш медали совриндори бўлиб, халқимиз меҳрини қозонди. Бундан буён ҳам бўш келманг, йигитлар!

КРОССВОРД


Айлана бўйича: 1. Ватан мустақиллиги учун курашган маърифатпарвар ватандошимиз. 2. Уйғоқлик, бедорлик. 3. Республикамизда нашр этиладиган газета. 4. Тайёргарлик, ҳозирлик кўриш. 5. Энли, сербар. 6. Давлатнинг барча рамзлари туширилган ўз белгиси.


Ёйлар бўйича: 1. Бировнинг ҳуқуқини ёки давлатини қонунсиз тортиб олган шахс. 7. Расмиятга ёки тақаллуфга риоя қилувчи киши. 8. Саломлашув формаси. 10. Энг тансиқ неъмат. 11. Бир мақсад йўлида бирлашган ташкилот. 12. Балоғат ёшига етмаган аёл. 13. Кутилмаганда бирдан нур сочиб товланиш. 14. Очиқ кўриниб турган, равшан, маълум. 15. Денгиз, океан. 16. Кайфият, руҳ. 18. Нарсалар хавфсизлигини таъминлаш учун олдиндан ҳужжатлаштириш. 20. Зарга сотилмас, зўрга топилмас. 21. Оппоққина дастурхон, ер юзини қоплаган. 23. Чой, кофе, енгил таом сотиладиган кичик ресторан. 24. Нур устига... нур. 25. Ёруғлик манбаидан таралган ёғду. 26. Ер шари. 27. Кишининг фикрлаш қобилияти. 28. Тили пўлат шоввоз, сўзлай олмас беқозоз. 29. Бир томони ялтироқ, гулдор, кудунгланган маҳаллий ипак газлама.

Бўйига: 9. Она тили ёки адабиётдан ёзма иш. 22. Жун газлама, қалин мовут. 30. Давлат рамзи ёки бирор воқеани мақтаб ёзилган шеър. 31. Давлатимиз гербида акс этган қуш. 32. Давлат рамзларидан бири. 33. Мунг, маҳзунлик. 35. Ёш туя. 36. Дилдаги эзгу истак ва ниятлар. 38. Метро бекатларидан бирининг номи. 40. Бирор оила ёки хонадон яшайдиган уй. 41. Қўшиннинг илғор қисми. 42. Тошкент шаҳридаги бозорлардан бири. 43. Ахлоқ, тарбия ва унинг нормалари. 44. Меҳр-шафқат кўрсатувчи, сидқидилдан севувчи. 45. Баъзи Ғарбий Оврўпо мамлакатларидаги пул бирлиги. 48. Шодиёна кун. 49. Қўшимча бурчакнинг синуси. 51. Мамлакатимизда таъсис этилган илк орден. 53. Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи юрист. 55. Организмда углевод алмашинувини тартибга солишда иштирок этадиган меъда ости без гармони. 57. Бирор мамлакатда яшовчи халқ. 58. Нуфуз. 60. Белгили тартиб, қоида, ўлчов. 61. Қишлоқ, турар жой. 62. Давлатнинг ички ва ташқи ишларини олиб боришда тўла мустақиллиги. 67. Ватан учун жонидан кечишга тайёр киши. 68. Ўзи ёш, мўйлови узун. 69. Шеърий асар. 70. Ўсимлик ҳужайрасининг тўғри бўлиниш усули. 76. Икки гап орасида келиб, фикр улардан бирига қаратилганлигини билдирувчи боғловчи сўз. 77. Андишали, тортинчоқ қиз. 79. Тинмас битта, тинглар мингта. 80. Ҳамма вақт оғизда, лекин ютиб бўлмас. 81. Байрамларда тақдим этиладиган энг яхши совға. 82. Кишининг орттирган билими. 83. Насл, зот. 85. Тайёр нонниг сарф қилинган унга нисбатан ошган оғирлиги. 87. Бош косасида жойлашган модда.

Энига: 17. Байрам тантаналарини саҳналаштирувчи мутахассис. 19. Ҳарбий қисм бошлиғи. 30. Севувчи, яхши кўрувчи. 33. Телеграф, телефон орқали маълумот беришда қўлланиладиган шартли белги. 34. Ернинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш муддати. 36. Ўз эркини ўз қўлига олиш. 37. Мамлакатимизнинг бош кенти. 39. Қуёшдан ҳисоблаганда иккинчи сайёра. 42. Энг буюк зот. 44. Турар жой, маскан, Ватан. 46. Жадидчилик ҳаракати фаолларидан бири, шоир, драматург, журналист ва олим. 47. Чингиз Айтматовнинг «Асрни қаритган кун» асаридаги бекатнинг номи. 50. Булбул. 51. Ғира-шира тонг ёришган маҳал. 52. Шаффоф, қимматбаҳо тош. 54. Байрамдан олдинги кун. 56. Йўлбошчи. 58. Абадий, умрбод. 59. Юз йиллик давр. 61. Фарзандли, бола-чақали эр киши. 63. Сўз ўйини. 64. Тутантирик. 65. Мазкур йилда номи улуғланаётган мунис зотлар. 66. Илтифот, олийжаноблик. 70. Кичкина декча, ичи тўла михча. 71. Ишонч, эътиқод. 72. Ўйин-кулги кечаси. 73. Радиолампа тури. 74. Идора қилиш, бошқариш. 75. Ҳиммати баланд, саховатли киши. 76. Бадиий асар ёзиш иши билан шуғулланувчи шахс. 78. Давлат бошлиғи. 82. Ширинлик, тўртбурчак конфет. 83. Ноўрин талаб, даъво. 84. Ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали қўйилган талаб. 86. Фаннинг бирор соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган киши. 88. Мамлакатимизнинг бош майдони. 89. Мамлакатнинг бош қомуси.

Тузувчи: Илҳом ЗОЙИРОВ





Тоғларда ёз.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

А.Маматқулов суратларидан фойдаланилди.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.

Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12749. Буюртма Г-0675. Бичими А-3.

Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ

1 2 3 4 5 6

Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 21.00